
**IMPROVEMENT OF THE COMPULSORY MEASURE OF HOLDING THE
CASE UNTIL THE COURT**

Bilolov Abbasbek Bilolovich

Republic of Uzbekistan Teacher of the Department of Investigative
Activities of the Ministry of Internal Affairs Academy, Captain

Abstract

This article talks about the improvement of the coercive measure of detention at the stage of proceeding to the court.

Keywords: pretrial stage, law, freedom, criminal violations, law, justice, innocence.

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА УШЛАБ ТУРИШ
МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Билолов Аббосбек Билолович

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси Тергов фаолияти кафедраси ўқитувчиси, Капитан

Аннотация

Ушбу мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида ушлаб туриш мажбурлов чорасини такомиллаштириш ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: ишни судга қадар юритиш босқичи, ҳуқуқ, эркинлик, жиноий тажовузлар, қонун, адолатлилик, айбсизлик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқлигини, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусияти”- эканлигини доим таъкидлайди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

Ҳозирги кунда суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш белгиланган.

Президентининг “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди” — деган сўзлари мамлакатимизда адолатни мустаҳкамлаш ва ушбу тамойилни таъминлашга хизмат қилувчи ташкилот ва идораларга катта масъулият юклашини англатади. Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг узвий қисми бўлган суд-ҳуқуқ ислохотлари “инсон ва унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари — олий қадрият” деган конституциявий қонуннинг амалда таъминланишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармонида ҳуқуқ-тартибот органлари соҳасида, айниқса, суд-тергов фаолиятида бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, жиноят процессининг исбот қилиш жараёнида жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига амал қилмаслик, ушбу жараёнда фуқароларнинг

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача бўлган босқичда қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги алоҳида қайд этилган. Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш муҳим ҳисобланади. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш белгиланган. Ушбу соҳада «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилинган. Шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни реал кафолатлашда жиноят процессуал қонунчиликда профессионал ҳимоячининг иштироки, унинг ролини ошириш муҳим ўрин тутди.

Конституциямизнинг 26-моддасига кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Конституциянинг ушбу моддаси асосида ҳар бир шахснинг айби аниқланиб исбот қилинмагунча, ушбу шахс айбсиз эканлиги кафолатланган. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан тушунтириш хати олиниши учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатини олиш, назаримизда, тезкор-қидирув фаолиятини олиб боришга рухсат беришда муаммо келтириб чиқармайди. Лекин адвокат иштирокисиз тушунтириш хати ёки кўрсатувлар олиш шахсни кейинчалик асоссиз айблашга олиб келиши мумкин. Шу ўринда, ушбу жараёнда адвокатлар ҳам бевосита ҳар доим ҳам иштирок эта оладими, деган ўринли савол туғилади. Йўқ, албатта. Янги Фармондаги назарда тутилаётган ушбу қоида амалиётдаги муаммоларни ечишга кўмаклашади. Ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни фақат адвокатлар иштирокида олиниши процесс иштирокчилари ҳуқуқларини поймол этилишининг олдини олиб, суриштирув, дастлабки тергов ва ундан кейинги босқичларда олинган тушунтириш хатларининг олинадиган ҳақиқатга мос шунингдек, исботлаш

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

жараёнида адвокатларга ҳам қийинчилик туғдирмайди. Чунки биргина нотўғри олинган тушунтириш хати шахсни нотўғри айбланишига олиб келиши мумкин. Қайд этиш лозимки, шахсинг айбсиз эканлигини исботлаш бевосита адвокатларнинг вазифаси ҳисобланади ва бу жараёнда улар иштирокини истисно этилиши қарор ёки ҳукмнинг бекор қилиниши учун асос бўлади. Адвокатларнинг исбот қилиш жараёни иштирокчиси сифатидаги процессуал ҳаракатлари қонунчилигимизда ўз ифодасини топган бўлса-да, лекин ушбу нормаларнинг амалиётда ифодаси суств. Мазкур Фармонда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш хусусида айтилганлиги таҳсинга лойиқ. Ушбу масала назарийтчи олимлар ва амалиётчиларни қийнаб келаётган муаммолардан бири эди. Биз ушбу тавсияни ўн йиллар аввал илмий тадқиқот ишларимизда баён этгандик. Шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисобланиши билан шахсни ортиқча муддат ушлаб турилишининг олди олинади. Чунки амалиётда ушлаб туриш вақти шахс фактик ушланган вақтдан эмас, балки уни уни суриштирув, дастлабки тергов органларига олиб келгандан кейин бошланади.

Қонунчилик нормаларига асосан ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси фақат жиноят содир қилишда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Шахсни жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш ёки жиноят иши қўзғатилгандан сўнг гумон қилинувчи тариқасида жиноят ишига жалб этиш мумкин. Жиноят процессуал кодексининг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, ана шу асосларга таянган ҳолда шахсни ушлаб туриш мумкин. Унда шахс ушлаб турилгандан сўнг 24 соат ичида унинг ушлаб туриш асослари текширилиши, тегишли ҳужжатларни талаб қилиб, кўздан кечириш каби процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши лозим ва агар шахс асоссиз ушлаб турилганлиги аниқланса, ушлаб турилган шахсни озод қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор чиқариши лозим. Мазкур моддада терговга қадар текширув жараёнида ушланган шахсларнинг мақоми аниқ кўрсатилмаганлиги уларнинг ишни судга қадар юритиш босқичида ҳуқуқларини тўлиқ таъминланмаслигига олиб келиши мумкин. Шу жиҳатдан гумон қилинувчи тариқасида ушланган шахсларни ҳамда терговга қадар текширув органларининг ҳуқуқий мақомини кўрсатиб ўтилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодексининг 329-моддасига кўра, қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

ушбу кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бироқ терговга қадар текширув вақтида вояга етмаган шахслар билан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилганда педагог, психолог ҳамда қонуний вакилни жалб қилиш, олиб қўйиш, ҳужжатли тафтиш тайинланган вақтда мутахассис ва адвокат жалб этиш, экспертиза қарори ҳамда ҳулосаси билан таништириш, терговга қадар текширув органига келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш, иштирокчиларнинг мақоми, терговга қадар текширув якуни бўйича қабул қилинган қарор ҳамда тўпланган ҳужжатлар билан томонларни таништириш тартиби юзасидан қонун нормаларида бўшлиқлар бор. Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахслари томонидан шахсни ушлаб туришнинг процессуал тартибини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахслари томонидан шахс жиноят-процессуал кодексининг 224-моддаси тартибида ушланганидан сўнг, мазкур ҳаракат баённома асосида расмийлаштирилади. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахслари томонидан шахсни ушлаб туришнинг қарор асосида амалга оширилиши, ушланган шахс (ёки унинг адвокати)ни келгусида мазкур қарордан норози бўлган тақдирда, прокуратура органларига шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлайди. Бу ҳолатда шахснинг ҳуқуқларини чеклаш бирмунча кучайтирилгандек туюлади, лекин амалда терговга қадар текширувга жалб қилинган ҳар қандай шахснинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгиланишига сабаб бўлади. Бу эса шахснинг Жиноят процессуал кодексида белгиланган процессуал мақомга эга бўлиши ва кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиши учун замин яратади ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли ноқонуний ҳолатларни (масалан, олдин гувоҳ тариқасида Жиноят кодексининг 238, 240-моддалари билан сўроқ қилиб, кейинчалик гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш каби ноқонуний амалиёти) содир этилиши ҳолатларининг олдини олади.

Шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тезкор тадбир амалда якунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

таъминланиши шартлигининг белгиланиши уларнинг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлайди.

Суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритишни барча тарафлар иштирокида ҳал этиш ҳам муҳим масалалардан биридир. Масалан, судланувчига нисбатан янги айблов аниқланса, илтимоснома фақат прокурор томонидан берилиши мумкин. Адвокат ушбу ҳолатда илтимоснома бермайди, чунки у судланувчини кўпроқ профессионал даражада ҳимоя қилишга, айбини енгиллаштиришга интилади. У мазкур босқичда иштирок эта олмайди, янги айбловнинг киритилиши ёки киритилмаслигига таъсир ўтказа олмайди.

Судга илтимоснома киритиш асослари қонунчиликда кўрсатилган, лекин судда янги айблов юзасидан иш юритиш механизми такомиллашмаган. Бу қоида эса тарафлардан бирининг манфаатлари бузилишига олиб келади. Масалан, айбланувчи айбига тўлиқ иқдор бўлди, айбланувчи суддан чиқиб кетишига умидвор бўлган ҳолда қилган қилмишини тушуниб, келтирилган зарарларни тўлиқ қоплади, жабрланувчи ҳам унга нисбатан енгиллик сўраяпти, дейлик. Агар судда тарафлардан бири, асосан ишда иштирок этаётган прокурор, дастлабки терговда айб эълон қилинмаган моддалар бўйича илтимоснома киритса, киритилган илтимоснома моддасининг санкцияси оғир бўлса, суддан умидвор бўлиб, оилам бағрига бораман деган судланувчининг ҳоли нима кечади? Бу ҳолат келгусида бошқа гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчилар томонидан келтирилган зарарни қоплаш, жиноятни фаол очишга ёрдам беришга интилмаслигига, ишончсизликка олиб келиши мумкин.

Янги қоидалардан бири жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилатганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилишдир. Назаримизда, терговга қадар текширув институтида ярашув институти жорий қилинса, жиноят судлов ишларини соддалаштиришга, энг асосийси шахсларни судланганлик тамғасидан озод этишга сабаб бўлади.

Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш устидан суд назоратини кучайтириш масалалари тўхталиб ўтсак. Бугунги кун амалиётида айрим тергов ҳаракатлари ва процессуал

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

мажбурлов чораларини қўллаш фақат суд ажрими орқали амалга ошириб келинмоқда. Лекин жиноят ишларини қўзғатиш ёки рад этиш ёхуд айрим тергов ҳаракатларини амалга оширишда уларнинг қонунийлигини таъминлаш масалалари фақат прокурор назорати билан чегараланиб, суд назорати деярли амалда мавжуд эмас. Шу боисдан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда нафақат айрим тергов ҳаракатлари ёки процессуал мажбурлов чорларини қўллашда, балки барча процессуал ҳаракатларни қўллаш суд орқали амалга оширилиши лозим бўлади.

Хусусан, МДХга аъзо давлатларда Арманистон Республикаси ЖПКнинг 39-бобида “Суд иш юритувига қадар суд назорати”, Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг ЛП-бобида “Суд назоратини амалга ошириш”, Молдова Республикаси ЖПКнинг 8-бобида “Судгача бўлган процессуал ҳаракатлар устидан суд назорати”, Россия Федерацияси ЖПКнинг 125-моддасида “Шикоятни суд тартибида кўриб чиқиш”, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 106-моддасида “Жиноий таъкиб органларининг, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракат (ҳаракатсизлик)лари устидан келтирилган шикоятларни суд тартибида кўриб чиқиш” каби тартиблари орқали суд назорати амалга ошириб келинмоқда. Мазкур давлатларнинг процессуал қонунчилигида назарда тутилган суд назоратининг энг муҳим хусусиятларидан бири бу — судгача бўлган барча суриштирув, дастлабки тергов ёки мазкур соҳада амалга оширилган прокурор назорати билан боғлиқ барча процессуал ҳаракатлар, айниқса, тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳамда процессуал мажбурлов чораларни қўллашда қонунбузарликларга йўл қўйилганда, суд назорати орқали ушбу қонунбузарликларни бартараф этиш, шахснинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида тикланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, амалдаги процессуал қонунчилигимизга суриштирув ва дастлабки тергов вақтида процессуал ҳаракатларни амалга оширилишининг қонунийлигини таъминлашга қаратилган “суд назорати”ни амалга оширадиган процессуал тартиб ва қоидаларнинг мустаҳкамланиши жуда муҳим ҳисобланади. Юқорида кўтарилган долзарб масала ва муаммоларга ҳуқуқий ечим бериш биз ҳуқуқшуносларнинг муҳим вазифамиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Судтергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон Фармони // <https://www.lex.uz/docs/4939467>. Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судларнинг 2017–2020 йиллар ҳамда 2021 йил биринчи чорагидаги фаолият якунлари бўйича асосий кўрсаткичлари // https://stat.sud.uz/file/2021/4-27/jib_2021_03.pdf.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: (2021 йил декабргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2021. – Б.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: (2021 йил декабргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2021. – Б.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: (2021 йил декабргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2021. – Б.
5. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism: Darslik / Mualliflar jamoasi. – Т.: TDYU, 2017. – В. 168.
6. Курзинер Е.Э. Актуальные вопросы доказывания в уголовном судопроизводстве Российской Федерации: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2009. – С.
7. Попов В.С. Участие адвоката-защитника в процессе доказывания на стадии предварительного расследования и в суде первой инстанции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2005. – С. 8.